


Набижон БУРИЕВ

ЮРАКДАГИ СЎЗ



Набижон БЎРИЕВ

ЮРАКДАГИ СЎЗ

Шеърлар

Қарши
«Насаф» нашриёти
2006

Ифлос, хотин номига иснод.
Қараса, яна тартиб - қоида,
Кириб борар ўз йўлига,
Тинчлик-тотувлик яна оилада.
Эр ўйлар: Мингбад, ўз йўлига ҳурмат,
Тўғрини тўғри деб айтма,
Эгрини эгри деб,
Аҳил яшай десанг оилада...
Аҳил яшаганлар Сизларга раҳмат,
Тинч бўлсин оилангиз,
Юринг доим соғу-саломат'

Х ХХ

Ариқларда тинар лойқа сув,
Бедазорда ўтлар йилқилар.
Юз этилиб режалар хушҳол,
Катта тўйга уланар ёр-ёр.

Куз фаслидир тўйлар мавсуми,
Тукканини ечар чол-кампир.
Бу фаслни никоҳ фасли деб,
Мен оламга ёйгим келадир. - .

Узоқлардан карнай садоси
Тўйга чорлаб янграса шодон
Кексаларни яшартган каби,
Йигит- қизда тошар ҳаяжон.

Икки ёшнинг бахтли онлари,
Севинчларга бу кун кўкрак тор.
Қалбда шодлик уммони бордир,
Севишганлар эрур бахтиёр.

Ўртададир ҳаёт деган жом,
Бирга ичсин кунлар шаробин.
Ишқ-муҳаббат бой мазмун бўлиб,
Безаб турсин умр ки I обин.
Дехқонбобо ҳимматидан кўрк,
Ноз-неъматга тўла дастурхон.

Келин-куёв ўлтирар ойдай,
Бири малак, бири паҳлавон.

...Қани соқий, бахтдан сўзла соз,
Сўнг даврага май узат оз-оз.
Қадимийдир майу муҳаббат,
Жилвагардир асли бу ҳаёт.

Хиром этсин раққоса қизлар,
Ошиқона куй, қўшиқ, сўзлар.

Куз фаслидир тўйлар мавсуми...

ИККИЛИКЛАР

Танти бўлсанг.хутнинг ёмғиридай бўл,
Баракали баҳор, ёз ҳосили мўл.

Х х х

Бармоқларда бордир оқибат,
Тугилган мушт шундан бақувват.

Х х х

Қора кўз бола,
Оқ соқолли чол,
Навқирон, кўҳна дунёга тимсол.

Х х х

Дўстлик иши кўнгил ишидир,
Дўст тополган бахтли кишидир.

Х х х

Бугун ишдан кўра гаплар кўпайди,
Ичда, ташқарида хавфлар кўпайди.

Х х х

Қариликка эрта тараддуд -
Қирқ ёшда соч оппоқ, тасаддуқ.

Х х х
Инсон буюк хилқат,
Инсон буюк зот,
Қайда қапа тикса, ўша жой обод.

Хх х
Ер - башарни боқиш, сийлаш билан мудом банд,
Само - янги кунни кутиш билан сарбаланд.

Х х х
Ой-тенгсиз келинчак, ёрин кундошга бериб,
Тунлар чақир тикан йўлдан чиқади юриб.

ХУСН БИЛАН ОЙНА *Масал*

-Зап чиройим бор-да, мақтанганлар олдимга келаверсин,
барибир, ўзим танҳоман, - деб мақтанибди бир куни Хусн.
-Хуснжон, ўзингизга баҳо беришга шошилманг, - секин
шивирлабди Ойна.
Шунда Хусн Ойнада нуқсини кўриб, уялиб кетибди.

МАТЕМАТИКАНИ БИЛМАС ЭКАН

- . 'Қатра ■ . ■ .

-Ойи, анаву сотувчи бола бизнинг мактабимизни битирган
бўлса ҳам математикани билмас экан.
-Ким айтди сенга, қизим?
-Ўзим билдим. 2 дона шарга 10 тийин олиб қолди.
(1та шар 4 тийин бўлган).

КЎМИР ВА ҚОҒОЗ *Масал*

Печка ёнида кўмир ва ташландиқ қоғоз учрашиб қолишди.
-Мен қоғозман, оппоқман,- дерди шақирлаб, керилганча
қоғоз. - Сен хунуксан. Қоп-қорасан.
-Мен хунук бўлсам ҳам, - деди камтаринлик билан кўмир, -
совуқ тунларда одамларни иситсам дейман.
Шу вақт печка ёқувчи келиб қоғоз ва кўмирни печкага солиб
гугурт чакди.

Мақтанчоқ қоғоз “гур” этиб ёнди-ю, бир ҳовуч кул бўлди.
Қоп-қора кўмир эса ловуллаб, чўғ бўлиб мағрур ёнарди.

БИР КУН КИРДИМ...

Бир кун кирдим ул жаноб
Бош ҳаким ҳузурига.
“Чумчуқ сўйса ҳам...” деган,
Ҳакимларнинг зўрига.

Дедим: Дўхтир кечиринг,
Мен-ку ёшлиқдан хаста.
Оёқларим бўкилмас,
Ёзиб беринг бир дастак.

Секин очиб кўрсатдим,
Дардкаш оёқларимни,
Ҳам ўтказмай фурсатни
Рентген қоғозларимни.

-Ёшим... дедим, бошимни,
Оппоқ сочим кўрсатиб,
-Умр яна неча йил,
Етармикан фурсатим?!

Ойнак тагидан боқди
Анча билимдон ҳаким.
Сўнг қоғозларни кўриб
Булар, деди, жуда кам.

Бўлимларга ўтасиз,
Сизни кўрик қилишар.
Тўлдиришиб йўлланма,
Менга олиб келишар.

Юрдим хонама-хона,
Ҳакимлар ҳам қизиқ-да,

Иссиқ-совуғинг сўрар,
Узоқ-ёвуғинг сўрар...

Кўз-қулоқ, томоқ қам
Ишқалми деб кўришди.
Сўнг асабнинг дўхтири
Бош омонми деб кўшди.

Дедим: шикоятим бор,
Оёқлару белимдан,
Оғриб қолса бу баттол
Сўкиш келар тилимдан.

Роса бир ой қатнадим,
Асабларим чатнади,
Ёзнинг иссиқ кунида
Бу иш менга ёқмади.

Ҳакимлар ҳам қизиқ зот,
Дори-дармонни кўйинг,
Дер: Ёзишга қоғоз йўқ,
Баҳонаси экан кўп...

Кимларга бу рост эрур,
Кимларга ёлғон эди.
Ҳакимларга илтифот
Кўрғазиш қолган эди...

Хужжатим кучсиз эди,
Зўр хужжат олай девдим...

ДОМДА ОДАМ БЎЛИБ ЯШАНГ, АЗИЗЛАР

Ярим тунда эчки каби чоласиз,
Олмагон вақт-бевақт ёнғоқ чақасиз.
Хўкиздай қадам ташлаб қоласиз,
Домда одам бўлиб яшанг, азизлар!
Қари киши яшар асаби чатоқ,
Шиша идиш гўё ҳамлага муҳтож.

Бировга бир кун ҳам ғанимат, эвоҳ,
Домда одам бўлиб яшанг, азизлар!

Буни хўкизгамас, қўйга қурганмиш,
Бад ишларни оқар сувга қурганмиш.¹
Соз бўлса иситгич-оромижон қиш,
Домда одам бўлиб яшанг, азизлар!

Болалар шовқининг кечирса бўлар,
Ширинлик тутқазиб тинчитса бўлар.
Болалар ҳамиша беғубор қулар,
Домда одам бўлиб яшанг, азизлар!

Инсон ўзи буюк, дўндирад ишни,
Баланд иморатлар, уйлар қуришни .
Хоҳлаб қолар гўзал, аъло турмушни,
Домда одам бўлиб яшанг, азизлар!

Гази, суви қулай, ҳаммоми - роҳат,
Мурватни-бурасанг муҳайё албат, •
Оллоҳим, бунёдкор инсонга раҳмат!
Домда одам бўлиб яшанг, азизлар!

¹ Ихтиро ўзга дин кишиларига тегишли.
Осиёликларнинг тоши камроқ маъносида.

XXX

Эй раббоно, шафқатинг йўқ,
мурувватинг йўқ.
Сўрабмидим сендан ҳолва,
шаккар, қандинг йўқ.

Гуноҳқори осий банданг
сўрар шафоат,
Наҳот ўзга рағбатинг йўқ,
бирор аҳдинг йўқ!.

xxx

Истаса, кўкларга етгудай қулочи,
Мағрур ва эрка бир парвозга шай лочин.
Отам бор, оғам бор, бор эди эгачим,
Нақадар бахтиёр дам эди у дамлар!

Тош қотди ҳаётим, кулфатга еткарди,
Мағрур қанотларим қиличдан ўткарди.
На отам, на оғам, на-да бор эгачим,
Нораста гўдақдай қолдим-ку лол ва жим!

Қисматдан қоврилиб, шарпадай кезсам-да,
Ножинс бир жонвордай ўзимни сезсам-да,
Тонгларга ҳайқиргим келади, тонгларда,
Оққим келар серсув дарёга қўшилиб.

Яшайман ҳаётга мен қасдма-қасд туриб!..

X x x

Танишмиз кўпдан...
Ўтган қайтганда
Баъзан суҳбат ҳам қурганмиз ҳатто.
Лекин на сенда бўлган,
На менда
Гапу сўзларда

Ўзга бир маъно.
Маъсума кўзлар
Ненидир сўзлар.
Боқишларинг айт, сўроғмиди, қиз?
Парвона мену
Сенинг кўзларинг
Дил чорловчи ё чироғмиди, қиз?

X x x

Ғаразгўй, ўзингни мен билан ўлчаёсан, “оз қолибди”,
Бўйинг бўйим билан ўлчаёсан: “яна бир ёз қолибди”.
Юзида фариштаси йўқ, эй бемаврид туғилган зот,
Ваҳмдан танангда титроқ, мараз бошингда дарз қолибди.

X x x

Кўрмайин деб сени ғаш бўлиб юрдим,
Гоҳида кўйнимга тош солиб юрдим.
Қайга борсанг ичдинг ғараз майини,
Сассиқ алафдек сен фош бўлиб юрдинг.

МУСТАҚИЛЛИК МАДҲИ
1991 йил 1 сентябрь '

Қадим Турон, қадим масканим,
Алпомишлар, Барчинлар юрти.
Толе бу кун буюк ўзбекнинг
Озод номин тарихга битди.

Мустақилсан, озодсан Ватан,
Ҳақлидурсан.кутдинг бу кунни.
Не эрларинг фидо қилди жон,
Сен ўлмадинг... Халқим - Онажон!

Ўз гўшангда эрка зор халқим,
Ўтда куймас самандар халқим.
Қутлар сени жумлаю жаҳон,
Бағринг кўтар ҳурвиқор халқим.

Ҳақ-ҳуқуқинг, эркинг қўлингда,
Саратонда музламайди тан.
Қуёш - улкан олов - шар эмас,
Куйдирмайди жисминг даъфатан.

Ўз еринг бор, она тилинг бор,
Йўл-Йўригинг - бахт қомусинг бор.
Қўнгилларни қилгудай обод,
Тарихинг бор, ор-номусинг бор.

Ўз уйингда, ўзинг эгасан,
Ўз уйингга ўзинг султон, бек.
Ўз даланга уруғ экасан,
Ҳосил берар Озодлик ва Эрк.

Ғам на бисот,
Кулфат - тоғ бўлмас,
Масрур онда ёдингдан ўчир.
Бахтиёр бўл, эркин ол нафас,
Буюк Ватан бизники эрур.

Фақат бирлаш, бирлашгин халқим,
Бемаврид ёв нишин урмасин.
Ўз ичингдан чиқмасин бало,
Оёғингга кишан урмасин.

Ёруғ осмон, чароғон қуёш,
Бизникидир зилол дарёлар.
Муқаддасдир шу она тупроқ,
Гардига бас келмас дунёлар!

Қадим Турон, қадим масканим,
Аждодларим руҳи пок замин.
Сен яшагин дунё тургунча,
Обод ва шаън, барқарор, Омин!

ОТАХОНЛАР

Жўра бобо Шарипов (1925 й.) Қарши тумани Узуннаво
қишлоғида пиру бадавлат кексалардан биридир. Кўп йиллар
пахтачилик, дончиликқа самарали ишлади. Беш қиз ва тўрт
ўғилни тарбиялаб, элга қўшди.

Ушбу шеъримни ҳурмат билан отахонга бағишладим.

Ҳалол луқма ризқ-рўзингиз меҳнат билан,
Битар доим кам-кўстингиз меҳнат билан.
Иш бошласа, иш боши Сиз ўғил-қизга,
Элда ибрат ҳар сўзингиз меҳнат билан.

Ҳар ютукда ўрнингиз бор, ўзингиз бор,
Руҳан тетик ҳам даъваткор сўзингиз бор.
Келажакни кўриб турар кўзингиз бор,
Ҳаёт дарси ҳар сўзингиз меҳнат билан.

Ҳаёт мангу, бизчи - меҳмон, санокли кун...
Униб-ўссанг, шукур қилсанг, ардоқли кун,
Бошда қуёш, ёру йўлдош, мароқли кун,
Фароғат тун-кундузингиз меҳнат билан.

Сизга таъзим, Сизга эъзоз, бу Ватанда.
Қанча хизмат қилсак ҳам оз, бу Ватанда.
То Сиз борки, биз бор, устоз, бу Ватанда,
Бахтли ўғил-қизларингиз меҳнат билан.

НАВРЎЗИМ, ХУШ КЕЛДИНГ

Бир илиқ насимлар эсдилар,
Совуқлар йўлини тўсдилар.
Сайилга чиқди халқ қирларга
Болалар бойчечак уздилар.

Момолар дуога қўл очди,
Боболар тупроққа ризқ сочди.

Наврўзим, хуш келдинг элимга,
Сурурдан лиммо-лим дил тошди.

Қотган музга дарз ета қолди,
Тор жилғалар чулдираб қолди.
Дарахтлар гул тақдилар шодон,
Ўт-ўланлар гуркираб қолди.

Наврўзим, яшариш тимсолим,
Қозон тўла сумалак - болим,
Хуш келдинг элимга, офтобим,
Некқадам келинчак мисолим!

Х х х

Дўстлараро содда, самимий,
Тўлқинлардай шўх эди йигит.
Ҳар сўзида шиддат, ҳазили,
Хаёлларга йўқ эди йигит.

Қай кун билмас чўғланди юрак,
Муз қалбини эритди кимдир,
Қўлларига кўзгулар тутди.
Бахтиёрлик ваъдалар этди.

Севиб қолди у бир санамни,
Шўхлигидан қолмади асар.
Гоҳо туриб қўшиқ куйлайди,
Севарми, деб тунлар ўйлайди.

Ишқ азобин синар танида,
“Уф” тортади ўйлаганида.

ОЛТИН ДАЛАЛАР

Дехқон меҳри тушган олтин далалар,
Малларанг товланар куз қуёшида.
Бу кундан бўлса ҳам мамнун хотиржам
Эртанинг ташвиши унинг бошида

Пўлат плугларда ер ҳайдаб борар,
Тракторлар овози даштни тўлдириб.
Бу кун чўл қувади - ер очиб деҳқон,
Ёрқин орзуларни дилига тугиб.

Деҳқон орзулари ойдин ва кутлуғ,
Яна кўрк қўшай дер юртнинг кўркига.
Турфа ноз-неъматлар мўл бўлсин дейди
Бойликлар айлансин инсон мулкига.

Дехқон меҳри тушган олтин далалар,
Малларанг товланар куз қуёшида.
Хирмонин чош этган бободеҳқоннинг,
Роҳат бор бу кунлар ичган ошида..

ЙИЛЛАР КЕЧДИ ОҒИР...

Осмон - йироқ, ер - қатғиқ.

Мақол

. Йиллар кечдиоғир, кўп ёмон,
Дон - дун битмай, ўтлар қовжираб.
Баҳор келса, кулса бойчечак,
Инсон боқци, кўкка мўлтираб.

Сел-сел, хотин, дея болалар,
Чиқар эди бутун овулга.
Халқ сув сепиб, бериб кулча, нон,
Тилар эди барака элга.

Бадбахт чўлнинг йўқдир дарёси,
Қашшоқ элнинг йўқдир чораси.
Оқар сувсиз чўлда, саҳрода,
Бир туяси икки бўлмасдан

Яшаб нодон, ночор, бечора,
Ўтди қадим ота-боболар.
Қудуқдан сув сувлаб бир умр,
Дедиларки: “Шунгаҳам шукур!”

АЗИМ ЧЎЛ

Мен шу азим чўл тупрогида,
Бир пайтларим тушдим бир ҳолга,
Гоҳ чанқадим ҳарорат ютиб,
Гоҳ сарғайдим ўхшаб ниҳолга.

Қулоғимда ажиб бир наво,
Чорлар эди мени уфқдар,
Қучоғида яйрайди жонзод,
Қўй-қўзилар, яйлов - кенг дунё.

Мен чўлларда кездим сарсари,
Нишон, Помук, буён Муборак.
Ҳамма жойда булутдай тошдим,
Чўпон элим юраги зада.

Баҳори бир кунлик сайилдай,
Яшнаб - ёниб ўтиб кетарди. •
Яна чўпон елкасида юк -
Ўтар ҳайдаш ... эса нетарди.

Балки бобом белин букчайтган,
Отам дарди бўлган шу чўллар.
Улар ночор яшаб ўтдилар,
Одам бахти энди бу чўллар.

ДЎСТИМГА

Йиллар ўтар экан, кутмайди фурсат,
Шошқалоқ одамдай елгани-елган.
Ҳаётда, дўстгинам, шунақа хислат,
Қайтадан янги йил келгани-келган.
Йиллар такрорида умримиз чопар,
Шунақа югурик умр деган гап.
Қимлар мағрур боқар, кимлар шошилар,
Йиллар шиддатига қилай деб жавоб.

Йиллар ўтаверар, сўнгсиз бу ҳаёт,
На ҳоришни билар, наки кексаяр,
Демакки, кимгадир муҳтож табиат,
Кимдандир измини сўрайди йиллар,

Йиллар ўтаверар, одамлар шошар,
Аслида пойгадир, дўстим, табиат,
Донишманд одам ҳам баъзан адашар,
Ҳаёт - яшаш эмас, қурашдир фақат.

ҚАЛБИМНИ ДАРЁ ДЕБ...

Бехосдан тош отмоқ тинчоқар сувга,
Тиниқ мавжларига туширар "ажин".
Ўткинчи, бир зумлик нохуш шўхлиқдан,
Баъзан қалб ойнаси бўлар чил-парчин.

Азизим, қалбимни дарё деб билиб,
Қармоқ'ташласанг ҳам, тош отма тайин,
Дарё мавжлари-ку тушар аслига,
Кўнгил ярасининг битиши қийин.

ЛУҚМА

(Ҳазил)

Ногоҳ кириб қолсам таом устига,
Дўстлар илтифот-ла бошлашар сўзни.
Қўймас мени баттар қизарганимга,
Ва дер: "Қайнонангиз севади сизни!".
Дўстлар ҳазилидан мамнун жилмайиб,
Мен ҳам ўз ўрнида ташлайман луқма:
Қиз онаси севар мени деб, эссиз,
Бевафо санамга, дўстим, йўлиқма.

ДУТОР

Дерларки, ошиқлар юраги дутор,
Ўхшармиш икки қалб дутор ториға,
Чинакам севгини улуғлаб одам,
Уни келтирганмиш ушбу ҳолиға.

Х х х

Сен дутор чалардинг сокин оқшомда,
Нозик қўлларингда сайрарди дутор.
Ошиқлар тилида сўзларди дутор,
Сен дутор чалардинг сокин оқшомда.

Сен дутор чалардинг ҳар оқшом шундай.
Куй бўлиб оқарди бутун хаёлинг,
Наҳотки англамас соҳибжамолинг,
Сен дутор чалардинг ҳар оқшом шундай.

Сен дутор чалардинг, бармоқларинг
Юрак орзусини торга айтарди.
Тор эса севикли ёрга айтарди
Сен дутор чалардинг...

СОБИР НЕГА ҚИЗАРДИ?
(Болаларга)

Қорбобомиз келади, усти оппоқ қор,
Шу қор каби дили ҳам жуда беғубор.
-Салом, - деймиз баробар, - азиз Қорбобо.
Бизнинг сизга совғамиз фақат “беш” баҳо.
-Яшанг, - дейди Қорбобо қошлари қиров,
Сафингизда йўқми, дер барорта ялқов?
-Йўқ, йўқ, деймиз яшириб бизлар бир сирни,
Қорбобога айтмадик ялқов Собирни,
Меҳри жўшиб Қорбобо совға улашар,
Кимга китобу ручка, кимга - копток, шар.
Собир совға оларкан, қизарди қаранг,
“Бу йил яхши ўқийман”, деёлди аранг.

ИЗЛАНМАГАН МУҚОЯСА Болаларга

Искабтопар(1) - касби озорлик,
Ниш урмоққа илинж излайди.
Текин сўрмоқ хаёли билан
У ҳар жойда виз-визлайди...

Гулдан гулга қўнар неча бор,
Бол йиғади тинчимас ари.
Челак-челак бол йиғиб халққа,
Яна учар, яна илгари...

Болаларим,
Сиз пашшадек, хира таъмагир
Бўлманг сира очкўз, баднафс,
Эл-юрт сизни болдай брлам деб,
Боларидай қилсинлар азиз!

1) Искабтопар - пашша, қон сўради

СОЙХОНДА СОЙ БЎЛИБ ЎТДИНГИЗ

XX аср 40-йиллар охири. Тумандан 60 км узоқ бўлган чўл қишлоғи Ҳардурида мактаб очилди. Унга фидойи инсон Саид Хўжамуродов раҳбарлик қилди. Уйма-уй, овулма-овул юриб ўқувчилар жалб қилинди. Ака-укалар бир синфда сабоқ олишар эди. Ўқув дарсликларини гоҳо Косон, гоҳо Самарқанд шаҳридан Саид муаллим ўз матоциклида олиб келар эди. Кўп ўтмай Боймурод Даминов, Кенжа Қулбулов, Ўсар Абиловлар мактабда иш бошлади. Қишлоқ аҳли ушбу устозларни биринчи муаллимимиз деб тан олишади.

Бу кун улар оламдан ўтишган. Илойим охиротлари обод бўлсин!

Сойхонда сой бўлиб ўтдингиз,
Осмонда ой бўлиб ўтдингиз.
Маънавий бой бўлиб ўтдингиз,
Сиз-Саид Хўжамурод ўғли,
Азиз устоз, азиз муаллим.

Уйма-уй юрмоқдан хорманган,
' Мактабга юринг деб чорлаган.
Жажжи нигоҳларида порлаган,
Сиз-Саид Хўжамурод ўғли,
Азиз устоз, азиз муаллим.

Мактабга илк қадам -Қутлуғ кун,
Она сўзин ёзиш - Улуғ кун.
Ватанни тушунмоқ-Буюк кун!..
Сиз-Саид Хўжамурод ўғли,
Азиз устоз, азиз муаллим.

Замонни олдиндан кўролган,
Элга илм-маърифат беролган,
Миллатни жонидан севолган,
Сиз-Саид Хўжамурод ўғли,
Азиз устоз, азиз муаллим.

Шоирлик қисмати сўз термоқ,
Муаллим мақсади дарс бермоқ.
Бахт-ўз юртин саводхон кўрмоқ,
Сиз-Саид Хўжамурод ўғли,

Азиз устоз, азиз муаллим.

Дердингиз; Унинг, ўсинг туғри,
Бўлинг қадри баланд юрт ўғли,
Дуркун, бурро, юраги чўғли...
Сиз-Саид Хўжамурод ўғли,
Азиз устоз, азиз муаллим.

Сойхонда сой бўлиб ўтдингиз,
Осмонда ой бўлиб ўтдингиз.
Маънавий бой бўлиб ўтдингиз,
Сиз-Саид Хўжамурод ўғли,
Азиз устоз, азиз муаллим.

КИМ БЎЛДИК?

(На илм олишни, на меҳнат қилишни хоҳламаётган баъзи ёшларга)

• 4 •

Элда яшаб
Эл билмас,
Савод ғовлаб
Тил билмас
“Гунг” бўлсак.

Зўр бўлмасак,
Зор бўлсак,
Нор бўлмасак
Хор бўлсак
Ким бўлдик?

Савлатимиз
дев мисол,
Юришимиз

Кўр мисол.
Эҳ, аттанг.

Эссиз, Қудрат,
Эҳ, Ойбек,
Яшамасак
Биз бойдек
Ким бўлдик?

2001 йил сентябрь.

БИР ИДОРАДА ТАФТИШ

Бир идорада борар кўпдан шундай иш-тафтиш,
Камомадни аниқлаш, хатоларга чек қўйиш.
Тафтишчи тунд ва ўжар, ойнак тагидан боқар,
Ҳужжат-китоб ёстикдай, чўтдан милёнлар оқар.

Жуда нозик қалтис иш талаб қилар эътибор,
Тушликда қайнар шўрва, оқшом борар ресторан.
Наҳорда аччиқ кўк чой, мева-чева ранг-баранг,
Қазқарта, товуқ-курка... стол кўтарар аранг.

Яна ким "соққа"си сир, йўл пули, чўл пули дер,
Олиб келу олиб бор, бардор-бардори курсин.
Овараю жаҳондир катта-кичик мулозим.
Қўйни-қўнжин тўлдириб, кетар бозори курсин.

Тафтишчи назорати ҳар гал шундай ўтади,
Бадхатолар тугамас, балки давом этади.
"Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон" демишлар.
Келинг-кетинг, хўш кўрдик, меҳмон-мезбон эмишлар.

СОНЕТ

Мен энди яхшилик қилмайин,
Қилсинлар яхшилар яхшилик.
Қўлларимга ҳеч соз олмайин,
Қўлларимдан келмас бахшилик.

Тилларимга тошлар бойлайин,
Сўз демайин бирор калима.
Оқ қоғозни қора қилмайин,
Кулмасинлар, дўстлар, ҳолима.

Тафаккур дурлари халқники,
Ҳаётга, яшашга ҳақли-ку!
Йўл кўрсатмоқ оқилнинг иши.

Замонсозлар - маддохдар асли.
Демангиз сиз: бебурд бу киши,
Ҳам буқаламун бу қаршилиқ!

ОЖИЗ ОДАМГА

Дўстлик учун! - қадаҳлар сўндинг,
Кашфиёт деб билдинг сўзингни.

Ёруғ кунлар ўтдилар бир-бир,
У маккор кўр қилди кўзингни.

Дўсгларинг ҳам бир-бир безиди,
Қадаҳ сени янчди, эзиди.

Давраларда сен йўқсан - сенга
Тўғри келмас баҳо мусбатлик,
Эшагига чаппа ўтқазиб,
Масҳаралар энди хушбахтлик.

Х х х

Мен заррага бўлиндим,
Минг каррага бўлиндим.
Тоғдай эдим, бўлдим тариқдай,
Ёруғ оламда йўқдай бўлдим.

Исноди кимга керак,
Исботи кимга керак.

Ўз гўшамда ўз боламдан
Ўчган бир ўчоқ чўгдай бўлдим.

Дардим ичи-тишимда,
Ташвишлари бошимда.
Елдим, югурдим... оқибат.
Йўқликка учган ўқдай бўлдим.

Мени ўтга ёқманглар,
Аччиқлашиб ётманглар.
Ота-олтин тоғ бўлармидим,
Бир кун қулайман йўқликка.

МАЖНУНТОЛ

Гуноҳларим ўзимга етар,
Сени бир бор севдим, севилиб.
Сойда гувоҳ ўша мажнунтол,
Йўлларимиз кетди айрилиб.

Кундузларим қоронғу бўлди,
Юлдузларим порламай сўнди. .
Ё қулади, ағдарилди тоғ,
Тириқтуриб айрилдикми, моҳ!

Сен-ку кетдинг омон-омонга,
Мен ҳам кетдим бигта “ёмон”га.
Тегирмон тош айланар тинмай
Не айб ўтди билибми-билмай?..

Тушунмайди ҳамон, жўралар,
Сени оқлар, мени қоралар.
Ўтди Мажнун, ўтди Ширинлар,
Балки тарих шундай яралар...

Шайдо бўлиб, севиб-севилиб,
Бошқа бошқа кетдик бурилиб...

Хотиралар сўйлар мажнунтол,
Ғамнок турар ерга эгилиб.

Х х х

р Йиллар ўтаверар бир-бирин қувиб,
Умр кечаверар оқар сой каби...
Умр не... дарёлар оқиб тинади.
Юлдузлар мўлтираб сўнар бесамар.

Ҳар ишнинг охири, боши бўлади,
Бугунги болалар эрта кексаяр...
Имкон деб Куррамиз хуршиди томон
Шошилиб белбоғин бойлайди белга...

Осмон эгилади Еримиз томон
Тунлари Оймомо чиқади йўлга...
Шошилиб гуллайди гуллар, дарахтлар,
Имкон қўшиғини куйлайди, ҳаёт...

(Умрки, тухфадир сизга Оллоҳдан)
- . Дўстларим, 'эй-й сиз; навқирон авлод, -
Ҳар бирингиз қўчсин омадлар, бахтлар!
Айтинг, ортингизда қолдими боғлар,
Дунёга дунёдай бирор яхши от?
Ҳаётни сарҳисоб қилганингиз чоғ,
Қатъиймиди сизда ишонч ва сабот?!

СИЗ КЎМ-КЎК ДАРАХТ...

I* МЕН - ПАРЧА БУЛУТ...

* Жазирама - олов қуюни эсса,
Офатлар дўнса сизга беомон.
Ҳолингиз сезсам мағриб - машрикдан,
Уммонни олиб учсам сиз томон,
Хавфу хатарлар йўлини тўссам,

Бош устингизда бўлсам соябон.
Сиз кўм-кўк дарахт.
Мен - парча булут.

Сизга бахш этсам кўрку малоҳат,
Қўшиқлар айтсам, эркалаб суйсам,
Инжулари дур ёмғир бўб қучсам...
Яшилланиб бот
Сиз авж олсангиз,
Мавжлансангиз,
Оройиш топса вужуд-танингиз,
Оппоқ гулларга тўлса бағрингиз.
Сиз кўм-кўк дарахт,
Мен - парча булут.

Ёмон кўз билан боқса ёмонлар,
Иғволар қилса сизу биз ҳақда,
“Бири боғдан деб бириси-тоғдан...”
Шубҳалар - илон, ўрмалаб чақса,
Мен сизга посбон!
Бизни сақлайди
Севғи тангриси мангуга омон,
Сиз кўм-кўк дарахт,
Мен - парча булут.

Оҳ, мени ногоҳ дайди шамоллар
Юлиб кетсалар тоғларга томон...
Нолиш қилманг сиз,
Сарғайиш билманг,
Сўлиманг, гулим!
Қуёшли кунлар сизники бўлсин,
Иложли кунлар сизники бўлсин.
Сиз кўм-кўк дарахт,
Мен - парча булут..

XXX

Лой-лошимиз яширар ер, радлар қилар бу тупроқ,
Қолмагай то чанги урвоқ, гардлар қилар бу тулроқ.
Гуноҳимиз оғир келса, кечирмаса ёр - дўстлар,
Паноҳ бўлар ўзи яна авфлар қилар бу тупроқ.

Ножуд банда оға-ини, бир-бирин тўкса қонин,
Зилзилалар қўпор тайин додлар қилар бу тупроқ.
Юртим дея ёниб яшаб туйсак Ватан, халқ меҳрин,
Юракларга солсак сурур ёдлар қилар бу тупроқ.

Хосияти ер, сувининг Оллоҳ иноятидур,
Гижинглаган тойларини отлар қилар бу тупроқ.
Дилқушодир гулбоғлари, бол-шаккар чорбоғлари,
Пахта билан ер халқларин мотлар қилар бу тупроқ.

Шарафласак дунёмизни, шарафланса она- Ер,
Дунёбағир фарзандларин мардлар қилар бу тупроқ.
Саждалар қил, саховатли тупроғин кўзингга сур,
Албатта зурриёдинг буюк зотлар қилар бу тупроқ.
То тириксан, эй Набижон, шу тупроқ, шайдоси бўл,
Ғурурлан, сев, яша сен шод, шодлар қилар бу тупроқ.

Х х х

Ранг-баранг оламинг бўлсин ҳаётда,
Озори-беозор гулу тикан бўл.
Хуш кўргай - кўрмагай... муғомбир, содца,
Қурт-қумурсқадай мўл элу макон бўл.

ЙИЛЛАР ЎТДИ, СОЧЛАРДА ҚИРОВ
*Ҳақ ўйлинда ким бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Адо айлаб бўлмас онинг ҳақин юз ганж ила.
Алишер Навоий.*

Х. ТОШЕВАГА

Мактаб-маънавият, кошона, сарой,
Ёруғ хоналарда бошланар сабоқ.

Онгу шуурларда илм ҳаваси,
Ортади кун сайин фанга иштиёқ.
Дарёдил муаллим - доно, ҳокисор,
Гўзаллик уруғин сўз билан экар.
Ҳар дарсда қуроли маҳорат, билим,
Жажжи, мурғак жонга жонини тикар.
Бунда кунт ўқийди, диққат ўқийди,
Ўттиз бола-ўттиз жумбоқўқийди.
Ҳар кун ардоқ, меҳр юз карра керак,
Муаллим мулойим, боқади сергак.
У - боғбон беради рангларга тартиб,
У - соҳиб, билади қушлар тилини.
Унинг шогирдлари музаффар, ғолиб,
Жондан ортиқ севар Ватан, элини.
Гарчи, йиллар ўтди, сочларда қиров,
Ҳаётдан завқтуяр, дилда шукрона.
Шогирдлар камоли мукофот, сийлов,
У халқ муаллими, устоз мардона.

СЕВГИ САТРЛАРИ

Малагим, сен қочмагил мендан,
Яширма, қўй, юзингни эркам.
Сени кўрдим,
Кўрган кунимдан,
Юрагимда бошланди қўклам,

Ҳар бир сўзинг гўё қўшиқдай,
Кулгуларинг кулоқдаримда
Акс-садо беради тинмай,
Айтгил, сени қандай унутай?!

II

Начора, гоҳ унутмоқ бўлиб,
Кўрмайин деб ҳатто уч-тўрт кун
Кўзларингдан узоқда юриб,
Мен ўзимни қийнайман бутун.
Балки сени унутар эдим,
Жазолардим ўзимни-ўзим,

Бошқаларда кўрмаса эди
О, сендаги чиройни кўзим,
Балки сени унутармидим...

III

Гўзалларга боқаман гоҳо,
Кўзғалади қалбимда бир ҳис.
Гўзалликка шайдоман, рости,
Лек қалбимда сен борсан ёлғиз!

Шундай одат уларда доим,
Мағрур боқар ўзгага осон.
Бахтим менинг, менинг толеим,
Сен мағруру кўп бепарвосан.

X x x

Мен бир тоза руҳман, вужуд покиза,
Безавол умрман, безавол шўъла.
Бойчечак сабридай бир тонг яшасам,
Менсиз, сабил бўлмас ахир.бу дунё.

Қуёшга бўй чўзар минг йиллик боғлар,
Даласин орзулаб оқар дарёлар.
Жаннатмакон диёр, бир ёғи тоғлар,
Менсиз, сабил бўлмас ахир бу дунё.

Тинмагур шаббода ҳур-хур эсадир,
Кўкда қуёш танҳо, ой ҳам ўшадир,
Мен билмас набирам униб-ўсадир,
Менсиз сабил бўлмас ахир бу дунё.

Саъвакўз чароғон тонглар отади,
Теграмда ивирсиб қурти-кумурсқа.
Нозиккина чечак-гуллаб ётади...
Менсиз, сабил бўлмас ахир бу дунё.

ЮРАГИМ

Сен ўшани севдинг...
Ҳамон ўшани...
Ҳамон ўртанасан
Менинг юрагим.
Бугун айрилиқнинг аччиқ тумани,
Маъюс тўлғанасан:
-Борми керагим?
Қани мағрурлигинг,
Тенгсиз бардошинг,
Юрагим, жавоб бер сўроқларимга.
Осмон эдинг сўнди ёки қуёшинг,
Нечун безовтасан сиғмай бағримга?
Юрагим ўшани, ўшани дейди,
Ҳамон ўртанади,
Ҳамон қийнар жон.
Наҳот илк севгининг машъали сўнди,
Наҳот қийнар бўлди мени бу армон.
Юраклар - севилган, севган юраклар,
Инсон ҳаёти-ку қўлларингизда.
Нечун бузилади баъзан аҳцингиз, '
Нечун портламайсиз шундай чоқларда?!

ГЎДАК НИДОСИ

-"Бошинг тошдан бўлсин сенинг, болажон!.."
-Сўз йўқмиди бошқа топиб айтсангиз,
Бошим бағрингизга босиб айтсангиз.
Она деб бўзладим, наинки қайтсангиз.
Мен сизни йўқотиб қўйдим, онажон.

Ўсдим болаликнинг ардоғин билмай,
Дарду ситамларнинг адоғин билмай,
Азиз жоним бетоб, соғлигин билмай
Мен сизни йўқотиб қўйдим, онажон.
"Сағирнинг ғамини ким ҳам ер эди,
Болам, бутун бўлсин нонинг" дер эди,
Момоннинг сўзлари доим шул эди,
Мен сизни йўқотиб қўйдим, онажон.

Бир куни мен сизни тушимда кўрдим,
Она, онажон деб чопдим, югурдим.
Тунда тушларимга,
Кундуз ҳушимга кўндим.
Мен сизни йўқотиб қўйдим, онажон.

Мен сизни на топдим...на-да йўқотдим.
Гоҳо тупроқ бўлдим, гоҳо тош қотдим,
Онасиз дунёга мен тошлар отдим,
Мен сизни йўқотиб қўйдим, онажон.

СЕН БЎЛСАНГ...

Сен бўлсанг - даврада шунинг ўзи бас,
Ҳамиша жон кирар тотли гурунга.
Улфатми - бегона сенга билинмас,
Шунданми, ҳамма ҳам ршиқар сенга. ,

Сен-чи хушнуд боқиб, пирпиратиб кўз,
Маъсуд лабларингда бир ишва билан
Жарангдор кулгингни қиласан кўз-кўз,
Сенга хос бунақа одат, биламан.

Мана атрофингда неча-нечалар,
Лутфу карамингга парвоналаринг.
Мен сени ўйлайман кундуз-кечалар,
Лоақал билсайди дугоналаринг...

xxx

Бехосдан юз берди бу гал учрашув,
Секин қўл тутдинг.
Меҳрингдан вужудим қилиб мавжу сув,
Қалбим илитдинг.

Юз-кўзингга бокдим сармаст кишидай
Қалбда ҳиссиёт,
Шўхлигинг (сездим) беркитдинг атай
Бўлиб эҳтиёт.
Кўзларингдан бокди ёзнинг қуёши,
Ич-тошим лов-лов.
Ним табассум қилдинг - юзингда нақши.
Вужудим - олов.
Лаҳзалик учрашув бир чақмоқ мисол
Ўтди бир зумда
Сен кетдинг назокат...
Бир ширин ҳаёл
Қолди кўнглимда.

Х х х

-Мен ахир шофёрмасман,
Сиз ҳам назоратчи ДАН.
Ичар-ку подшолар май,
Ўлар ичмаганлар ҳам.

' Қулоқ солмади, аттанг, • .
Элу-хеш сазасига,
Кеча қабрга қўйдик,
Етиб жанозасига.

Ххх

Она фарзандининг камолин ўйлаб,

Х х х

Ҳақ таоло очунда гул, тиконни яратди,
Ул қушу қумурсқа... зоти ҳайвонни яратди.
Бу олам узук эрса, сайқал топсин деб мудом,
Шу тўғарак дунёда сўнг инсонни яратди.

Кундуз қуёш, тунда ой-юлдузу чексиз осмон,
Бир ён қум-саҳро, ўрмон ҳам уммонни яратди.
Кашфи буюк эгамнинг қудратига шак йўқдир,
Вале, марду номард, дўст ҳам душманни яратди.

Бутун азобини роҳат деб билар.
Ҳаётга келтириб мурғаккина жон,
Ўссин улғайсин деб елиб-югурар.

Ҳосилдан бўшаган майдон, дала, боғ
Бободехқон кўксин тоғ этган маҳал,
Менинг назаримда, қутлуғ далалар,
Она шарафидай буюк туюлар.

XXX

Совуқтун. Юлдузлар нурсиз,
Йилтироқ мунчоққа ўхшайди.
Кўк юзида ой заъфарон,
Бир фонус чироққа ўхшайди.
Бефарзандлик умрким, дўстлар,
На куни, на туни бор, ҳайҳот.
Қуёши, юлдузи йўқ само,
Осмони йироққа ўхшайди.

Х х х

Шамол қирмасин деб эшикни маҳкам -
Беркитиб ортидан тирардим таёқ.
Не билай, шамолнинг қутурганини
Таёқни йиқитиб кирар бесиёҳ.

Баъзан ҳаётда ҳам ҳовлиқма шамол -
Одамлар учрайди шундай бетайин.
Улуғлар сўзига лоқайд, нописанд,
Ўзи билганини сўзлайди доим.

ПАПИРОС

Папирос, ҳой папирос,
Бизда сенга йўқ ихлос.
Ғуппайма кўп, тура-тур,
Заҳар дудинг буруқсур,

Биз кашанда эмасмиз,
Зорман, тортай демасмиз.
Ким кашанда йўлин кут,
Хумор боқса қўлинг тут.
Улар бемор, эҳтимол,
Сен уларга малҳам, бол.
Биз севамиз согликни
Доим вақти чоғликни!
Ўйнаб таэквандо, у-шу,
Биз бўламиз энг кучли.

ОСМОН

Улкан осмон тўнтарилган жом,
Юлдузлари сонсиз чўғ мисол,
Бири хира, бири сержилва,
Тун қўйнида ёнади ял-ял.
Тонг ҳам отар, улугвор осмон
Юлдузларин ухлатиб қўйиб.
Қуёшини бағрига олар,
Она каби меҳрига тўйиб,
Юксдклиги, буюк бардоши,
Юлдузлари, қуёши билан
У бир суюк, бағри кенгликда
Онамизга ўхшайди осмон.

XXX

Сўз демай бир, дилбарим, бу юракни қон қилмангиз,
Ошиғингиз ер билиб, ўзингиз осмон қилмангиз.
Бу Ватанда бахт топар, етгай висолга ҳар киши,
Севгисига моне йўқ, ишқимни дoston қилмангиз.

Уззу тунлар ёнамен, сиз - қуёшим, деб ой каби,
Йўлингиз бошқа олиб, ўзингиз пинҳон қилмангиз.
Дил бериб, кўнгил олиш мушкул экан, душвор экан,
Телба ошиққолидан кулгингиз хандон қилмангиз.
Ишқ йўлида демишлар, гадо шоҳу шохдир гадо,
Сиз мени санаб гадо, шоҳ дилим вайрон қилмангиз.
Бор экан оламда бу ишқ, тоғ кесиш Фарҳод иши,

Тоғ каби ҳижронингиз, ёр, менга осон қилмангиз.

Ххх

Чироқ ёнар - митти бир шўъла -
Атрофига нур сочиб зарҳал -
Қоронғулик салтанатига
Ёруғликдан қўйилган ҳайкал.

Чироқёнар, ёнар меҳрли,
Парвоналар урар оташга...
Осудалик рамзи у тунлар,
Салом йўллар тонгда қуёшга.

Чироқёнар - ёнар у титраб,
Орзусига етган юракдай.
Мен ёнаман шеъримни ўйлаб,
Мисраларга ҳали қониқмай...

СОАТ ' • . -.

Соат - мўйсафид чол,
Кечаю-кундуз
Ҳаракат - баракат деб юриб турар.
Қўлида вақтнинголтин кафгири,
Ғафлатда қолма деб занг уриб турар.
Оддий механизм, яратмиш уста,
Юрак зарбларидан кўчириб олиб.
Бугун у турфа хил. Одамизотни,
Шошириб туради ҳайратга солиб.

УМР

Вақт - учқир поезд,
Чопар вагонлар - кунлар.

Умримиз манзили бекатларидан,
 Шитоб билан ўтиб борамиз.
 Тунлар қувиб кўздан уйқуни,
 Кунларга бахш этиб абадийликни.
 Кулгу жарангидай қисқа умрда,
 Бола-чақа деб,
 Ватан деб елиб,
 Умримиз тугайди -
 Пишқириб поезд
 Перронга келиб тўхтади.
 Сени билганлар,
 Билмаганлар бўлади.
 Дўст-ёронлар жигархун,
 Паймона шундайин тўлади,
 Қабр тошларига ёзилади отимиз,
 Келди, кетди деб.
 Қилган ишларимиз эслаб, хотирлаб,
 Дўстлар ҳам сўнгги бор видо айтади.
 Халқ севса, кирои бўлалсак фарзанд,
 Қабр тошларидан нидо қайтади:
 “У эл фарзанди эди,
 Мангуликуни бағрига олди”.

Ххх

У кун бўрон гувлади,
 Дарахтлар шохини қайириб.
 Чанг-хазон учди ҳавога,
 Электр фазасини қўйди айириб.
 Қайдадир огочлар ғийқиллар,
 Овозлар чиқади қайдадир чийиллаб.
 Бу табиат ҳодисаси деб
 Ўзни четроқ оламиз.
 Дарахтлар синади қарсиллаб,
 Чанг-тўзон қоплайди гуллар саҳнини.
 О, дўстим, бошимда гар бўлса
 Шундай қаро кун, бошим силама
 Ёнимда тура бил бўлганимда
 Мен ғолиб ва мағрур.

ЖАСОРАТМИ - САОДАТ?!

*Ўзбекистон Қаҳрамони,
 Ўзбекистон Халқ шоири А. Ориповга бағишлов*

Некуз деган қишлоқдан
 Мактаб бориб сен дадил,
 Ўрозов муаллимдан
 Дарс олибсан, Абдулла.
 Қўнғиртов этагида,
 Мол қайтариб гоҳида
 Шеър ёзибсан,
 Зўр ёзибсан, Абдулла!
 Шеърларинг-ла юракка
 Йўл солибсан, Абдулла.
 Олис қишлоқ, олис энди,
 Соғингани боис энди.
 “Биздан чиққан фалончи” бўб,
 Тошкентда у шеърлар ёзди.
 “Митти юлдуз” чақнаб кетди,
 Соҳир “Муножот” авжланди.

- . Қувватланди “Рухим”, “Юртим” - .
 шамоллари” мавжланди.
 “Қарши қўшиғи”ни айтди,
 “Онажон” деб юртга қайтди.
 Кезиб элат-элларини,
 Айтди дардли шеърларини.
 Дорда юриб “Дорбоз” бўлиб,
 “Тилла балиқ”ларни кўриб,
 “Робот”лардан нафрат қилиб
 “Мактуб” ёзиб авлодларга,
 Кўпикли қаҳрамонларга
 Баҳо берган, Абдулласан
 Мард экансан,
 Зўр экансан, Абдулла.
 Халқим севган бетакроп
 Шоиримсан, Абдулла.

Данте билан тиллашибсан,
 “Жаннатга йўл” қутлуғ бўлсин.
 Ишон, “Ишонч кўприклари”н
 Дардли бўлсин, ўтли бўлсин,
 “Савоб” дединг, савобга бот,
 Мангу эмас ахир ҳаёт.
 Чўкка тушиб худоларга
 Эмас, ишққа сиғинибсан,
 Мард экансан,
 Зўр экансан, Абдулла.
 Шеърларингла юракларга
 Йўл солибсан, Абдулла.
 Эркисиз, қарам эди-ку халқ...
 Не бахт, қайдан куч, кайфият.
 Жасоратми,
 Саодат?!..
 Ўттиз беш йил бурун,
 Қўринг
 Тушди гўё кўқдан ваҳий
 Янгради-ку бир ҳайқириқ.
 Маним, деди,- Ўзбекистон,
 Маним, деди, бу шавкат-шаън!..
 Фикр тиниб, онг уйғонди,
 Тунни қувиб тонг уйғонди.
 Соҳибқирон руҳи қўллаб,
 Эркнинг ўзи келди йўқлаб.
 Озод бўлди Ўзбекистон,
 Тенглар ичра тенг, бир жаҳон!
 Миннатдор эл ташаккури,
 Аввал бошдан Юртбошига,
 Буюк халқим, эрк қуёшин,
 Тасаннолар, порлашига.
 Мангу бўлсин тинчлик замон,
 Мангу озод Ўзбекистон.
 Шоири ҳам омон-омон,
 Кўкрагида Олтин нишон.

Зўр экансан,
 Мард экансан, Абдулла,
 Халқим севган, бетакрор,
 Шоиримсан Абдулла.

2001 йил март

ЕР СЕНИКИДИР, ОСМОН- СЕНИКИ

Боланг улғайса, камолга етса,
 Ҳусни жамолга, аъмолга етса,
 Давр шиддати,
 Шамолларига чидаб,
 Тўзғимай, туролсанг бардам.
 Довонлар ошсанг, берса бахтингни,
 Омад ёр бўлса топсанг нақдингни.
 Халқнинг меҳридан иморат тиклаб
 Йиллар яшасанг, обрўнгни сақлаб.
 Эзгулик бўлса шиор, ҳимматинг.
 Эл-юртга ибрат доим меҳнатинг.
 Шу тупроқни деб ёниб яшасанг,
 Ватан меҳрига қониб яшасанг.
 Ўғил-қизлар кўп доно-ю чевар,
 Қўлида ҳунар бўлса элсевар.
 Шукрона айтиб оғир - енгилга
 Фақат ёруғлик туйсанг кўнгилга
 Кўнгилга сиғмас ўзга фаразлар,
 Бойлик келтирар ҳар баҳор, ёзлар.
 Ер сеникидир, осмон-сеники,
 Гар тиниқ фикринг - жаҳон сеники.
 Кашф қилсанг қайта Она - Ватанни,
 Каъбам деб билсанг Ўзбекистонни!

ЎЗИНГНИ ОСМОН БИЛ

Иккинчи жаҳон уруши фаҳрийси Рўзибой Бўриевни (1926) жангчи, муаллим, раҳбар сифатида Қашқадарё вилоятида яхши танишади. Кўплаб шогирдлари, полвон ўғиллари ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатмокда. Чироқчиликлар у кишининг мустақиллигимизни мустаҳкамлаш тўғрисидаги суҳбатларини қизиқиб тинглайдилар. Ушбу шеъримни ҳурмат билан шу инсонга бағишладим.

Ўзингни осмон бил,
Қаддингни тик тут!
Халқим, юрагингда жўшин тоза қон.
Душманинга ташлан мисоли бургут,
Дўстларга жонажон дўст. Ўзбекистон!

Ўзингни осмон бил,
Қаддингни тик тут!
Пайтин бил эгилар қачон Осмон ҳам.
Оғу - заҳарлигин билади ҳамма
Мор заҳри кушойиш ноёб малҳам ҳам.

Жаҳон минбарида бўйингни кўрсат,
Сен ҳам кўчалардан байрам қилиб ўт!
Эгилган бошни ҳам кесарлар, билсанг,
Ўзингни осмон бил,
Қаддингни тик тут!

Сабру бардошли эл,
Бир сўзли халқим,
Алдов дуоларнинг фатвоси пучдир.
Сен мансуб халқ қашшоқ, хору зор бўлса,
Эрам боғларининг ҳавоси ҳечдир.

Мустақил бу Ватан озод бу тупроқ,
Бер унга саодат, бахш эт мангулик.
Гулга бурка, яшнат олтин тупроғин,
Сен Ватан байроғин қуёшларга тик!

Қадим аجدодларинг руҳи - гулхан, ўт,
Қувончу фаҳримсан жон Ўзбекистон.
Ўзингни осмон бил,
Қаддингни тик тут!
Халқим, юрагингда жўшин тоза қон!

ЎЗБЕК БОЛАСИ

I

Эрта турар, тонгларга ошиқ,
Ишдаунум, бор баракаси.
Яшнатади боғин, даласин,
Тилида куй, қўшиқ, яллasi,
Хуш кайфият ўзбек боласи.

Ватан, дейди туғилган жойин,
Сийлайди у онасин, ёрин.
Меҳрибондир азал қавмига,
Битта дейди, қуёшим, ойм,
Муҳаббатли Ўзбек боласи.

Янги орзу, янги ниятлар,
■Эл коридир дил муддаоси.
Ориятли, танти, бир сўзли,
Ҳамиятли ҳамда вафоли,
Хуш омадди Ўзбек боласи.

Улфатчилик унга хос одат,
Ёрдир иқбол, бахту саодат,
Ўғил-қизлар ўсар бир этак,
Бахти порлоқ эртанги авлод,
Саодатли Ўзбек боласи.

Гурунглarda эл-юрт тинчлиги,
Ҳам равнақин дилдан сезади.
У тан олмас ватанфурушни,
Она юртин жондан севади,
Оқибатли Ўзбек боласи.

Илм изла, тошларга ёз дер,
Сарф қиласан кексайганинга.
Чўққиларни забт этиш осон,
Юлдузларни кўзлар, чамамда,
Лаёқатли Ўзбек боласи.

Улуғ инсон, дониш юртбоши
Элга, юртга озодлик, деди.
Шу табаррук сўз мустақиллик -
Тождор турна юртимга келди.
Ишон Ватан, ишон эй, халқим,
Садоқатли Ўзбек боласи.

II

Тарихи бор: буюклар ўтган,
Мир Алишер, Амир Темурдек.
Бобур, Фурқат соғиниб кутган,
Ёвни қувган Мангубердидек,
Бир валломат Ўзбек боласи.

Пари қизлар йўлини пойлар,
Тушларида севишиб қолиб.
Девлар билан жангда Гўрўғли,
Бола Аваз доимо ғолиб.
Полвонкелбат Ўзбек боласи.

Бахшилари бошласа достон,
Тугамайди қирқ кеча айтса.
Улуғларга аллалар айтган,
Қадим халқсан, буюксан қайтса,
Номдор авлод Ўзбек боласи.

Хурриятнинг шамоли эсди,
Эллараго туташди йўллар.
Ўзбек дўстин бағрига босди,
Ўзбекни ҳам чорлайди йўллар,
Дўсту улфат Ўзбек боласи.

Тарихи бор: буюклар ўтган,
Келажаги яна умидбахш.
Абдуллеси булбули забон,
Ислом Карим - йўлбошчи, қуёш,
Бор бўл абад ўзбек миллати,
Бор бўл абад Ўзбек боласи.

ТЎРТЛИКЛАР

Авалло инсонсан буюклигинг шу,
Ақл билан иш тут суюклигинг шу.
Нафсинг тий, йироқ бўл ғараз ишлардан,
Гуноҳга қўл урсанг куюклигинг шу.

X x x

Элга эл қўшилса яхши бўлади,
Эл дилин куйловчи бахши бўлади.
Буюк ишлар осон бунёд бўлмагай,
Авал унга кўплар қарши бўлади.

X x x

Ранг-баранг оламинг бўлсин ҳаётда,
Эзгу ишларга сен доим имкон бўл.
Хуш кўргай - кўрмагай... муғомбир, содқа,
Қурт-қумурсқадай мўл элу макон бўл.

(Масал ўрнида)

Менинг дўстларим кўп - қаҳрлиси ҳам, меҳрлиси ҳам
бор. Қаҳрлисини кўпам хуш кўравермайман. Хатоларимни
юзимга айтишади.

Меҳрлиси - меҳрибон. Сув ўрнига шароб, баъзан эса
асал деб заҳар тутлади.

(Ҳазил)

Расул эмасман, гарчи исмим Наби,
Кучук ва тўнғизлар орасида

улуғвор бўри боласиман.

Демагайман, бирнингҳақин есин биров,
Худо ато этган ризққа қаноатли
уруғим сарасиман.

Х х х

Дўстмурод Жуманов Самарқанд вилояти Советобод
туманига қарашли “Олға” ширкат хўжалигида бош чўпон.
Отаси таниқли чўпон Қаҳрамон Жумановдан (1925-2001)
чўпон таёғини қабул қилиб олганига 15 йилдан ошди. Шу
даврда эл чорвасига кўплаб қўй-қўзилар қўшди ва ўз
муваффақиятларига эришди. Биз ёш чўпоннинг ишларига
ривож тилаймиз.

Нурга ташна дил бўлиб,
Юрак орзуга тўлиб.
Мен қуёшга талпиндим,
Талпиндим юлдузларга.
Қўй боқдим сурув ҳайдаб,
Дуч келдим чўпонларга.
Қўй-қўзиси минг-мингдан,
Яйлови кенг хонларга.
Кўзларида нур чақнар,
Сўзида ғайрат жўшган.
Ёз жазирамаси-ю
Қишнинг қаҳридан қўрқмас,
Чўпонларни мард кўрдим.
Меҳнати дунёсида
Ўзимда ҳайрат кўрдим.

Ххх

Қуёш юмалаган осмон сингари.
Уфқий кенгликларда туғилганим рост.
Шу сабаб яшайди қонимда,
Чўл қуёшидай ўтли эҳтирос.

Онам йўргаклаган
Йўл тупроғидан суриб,

Тупроқни,
Қуёшни,
Меҳнатни севсин деб,
Бахтини шу азиз тупроқдан топсин деб
Мен чўл фарзандиман.

Қадам босдим онам бағридай иссиқ,
Мулойим,
Пурим шу тупроқда.
Момомлар дер: Онангнинг юзи ёруғ,
Отангнинг қўйи минг бўлган ўшал чокда!
Мен чўл фарзандиман.

Бошимда порлади меҳрибон қуёш.
Ошна этиб қанча сеҳру сирларга.
Сўнг копток- қочди қирдан қирларга.
Илк бор изим тушган йўл тупроғига,
Бошимда дўппидай гумбази осмон.
Мен чўл фарзандиман.

Гармсел бардошим синаган бўлса,
Бўрон йўлларимга бўлолмаган ғов,
Кечалар юлдузлар кафтимга қўнса. ■ .
Кундуз қуёш ёнар даламда лов-лов,
Мен чўл фарзандиман.

МАЖОРИСТОН
Сафар дафтаридан

Неча кунки, дўстлик поезди чопар,
Ўқдай учиб, йўлнинг танобин тортиб.
Кўзни қувнатса ҳам кўм-кўк ўрмонлар,(1)
Борар эди дилда ҳорғинлик ортиб.

Ўз тилингда нелар дединг, билмадим,
Лекин мамнун эдинг, қардош ҳарқалай.

1. Рус ўрмонлари.

Кулиб таклиф қилдинг она юртингга,
Рухимиздан чарчоқ кетди, айланай.

Шаҳарни тенг бўлиб солланар Дунай,
Узукка кўз каби гўзал Будапешт.
Бош майдон. Бир вақтлар ёғийдан элни,
Сақлаган ботирлар бунда саф тортмиш.

Узумзорда оҳу кўрдим, ё фалак,
Бир зум юрагимни қўйди шошириб.
Меҳмон қилдинг, малак, мусалласми ё
Санъатинг меҳримиз қўйган тошириб.

Табиати сўлим эй мажористон,
Узоқ саҳролардан келдим йўл босиб.
Менинг диёрим ҳам бугун боғ-бўстон,
Дўстмиз чин дўстларга биз ҳам муносиб.

Буюк Амир Темур вориси элим,
Ватану дўст учун жонини тиккан
Кел энди бағримга босайин маҳкам,
Халқмиз азал дўстлик уруғин эккан.

Мундарижа

Исмсиз дард-----	3
Севимли эр... -----	3
Ариқдарда тинар... -----	5
Иккиликлар -----	5
Ҳусн билан ойна (Масал) -----	6
Ман;ма'икани билмас экан (Қатра) -----	6
Кўмир ва қоғоз (Масал) -----	6
Бир кун кирдим -----	7
Домда одам бўлиб яшанг -----	8
Эй раббоно -----	10
Истаса, кўкларга -----	10
Танишмиз кўпдан... -----	10
Ғаразгүй... -----	11
Мустақиллик мадҳи -----	11
Отахонлар -----	13
Наврўзим, хуш келдинг -----	13
Дўстлараро -----	14
Олтин далалар -----	14
Йиллар кечди оғир -----	15
Азим чўл-----	16
Дўстимга -----	16
Қалбимни дарё деб- -----	17
Луқма -----	17
Дутор -----	18
Сен дутор чалардинг -----	18
Собир нега қизарди? -----	18
Изланмаган муқояса-----	19
Сойхонда сой бўлиб ўтдингиз -----	20
Ким бўлди? -----	21
Бир идорада тафтиш-----	22
Сонет -----	22
Ожиз одамга -----	23
Мен заррага бўлиндим-----	23
Мажнунтол-----	24
Йиллар ўтаверар -----	25
Сиз кўм-кўк дарахт -----	25
Лой лошимиз-----	27
Йиллар ўтди, сочларда қиров -----	27
(<' ц и сатрлари -----	28

Мен бир тоза руҳман -----	29
Юрагим -----	30
Гўдак нидоси -----	30
Сен бўлсанг... -----	31
Беҳосдан -----	32
Хақтаоло -----	32
Она -----	33
Совуқтум -----	33
Шамол -----	33
Папирос -----	33
Осмон -----	34
Соат -----	35
Мен -----	32
Умр -----	35
Жасоратми - саодат?! -----	37
Ёр сеникидир, осмон сеники -----	39
Ўзингни осмон бил -----	40
Тўртликлар -----	43
Мажористон -----	45
Ўзбек боласи -----	41

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Набқжон Бўриев
Юракдаги сўз
Шеърлар

ИБ № 0078

Муҳаррир: Ш. Пирматова
Техник муҳаррир: Ч. Раҳмонов
Мусаҳиҳ: Р. Муродов

Теришга 3. 10. 2006 йилда берилди. Босишга 15. 10. 2006 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 ¹/₁₆. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 3,06 Шартли бўёқ-оттиск 3,03 Нашр босма табоғи 3,00. Тиражи 250 нусхада. -шартнома. -буюртма. Эркин нархда. „Насаф“ нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қамаши туман босмахонаси МЧЖда чоп этилди. Гулшаний
кўчаси 23 уй.